O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
N 137-270


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 1 июль № 137 (3412) Пайшанба


## Ўз касбининг фидойиси



**«Самарқандгаз» ҳудудий таъминот корхонаси вилоят аҳолиси ва саноат корхоналарини табиий газ билан узлуксиз таъминлаб келмоқда.**

*Шу билан бирга, жамоа ҳам газ бормаган олис қишлоқларга ҳам газ олиб боришда муайян ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 5 ойида Риштон, Нарпай ва Пайариқ туманларидаги қишлоқларга 68 километрлик масофага қувурлар ётқизилиб, аҳоли табиий газ билан таъминланди. Шунингдек, ҳудудий таъминот корхонаси хонадонларга газ ҳисоблагичларни ҳам ўрнатиб келмоқда. Ҳозиргача вилоятдаги 280 минг хонадон ана шундай асбоблар билан таъминланди. Бундай ижобий ишларга жамоадаги фидойи касб эгаларининг меҳнати орқали эришилмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли аҳоли хонадонлари ва корхоналар йил давомида узлуксиз равишда газ билан таъминлаб келинаяпти.*

**СУРАТДА:** назоратчи Равшан Исмоилов газ босимини кўздан кечирмоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.



## Ёшлар қўмитаси ёшлар билан

Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси аъзолари Жиззах шаҳри, Зомин ва Зарбдор туманларида бўлиб, ёшлар, маҳаллалар аҳли билан учрашувлар ўтказди.

— Учрашувдан асосий мақсад, — Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида Президентимиз нутқларидан келиб чиқадиган хулосалар, мақсад ва вазифалар ҳамда террорчилик ва диний ақидапарастликнинг тарихий илдизлари, уларга қарши курашда ёшларнинг ўрни мавзуида давра суҳбатлари ўтказиш эди, — дейди қўмита раиси Азамат Зиё. — Шунингдек, сайловга оид янги қонунларнинг мақсад ва вазифалари, икки палатали парламентаризмга ўтишнинг аҳамияти ҳақида ҳам гап борди.

Ана шундай учрашув ва давра суҳбатларини мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

**М ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Ислоҳот қирралари*

***Бугун миллий валютамиз – сўмнинг муомалага киритилганлигига ўн йил тўлади. Ўтган давр мустақил пул тизимини яратиш ҳақидаги қарор ўз моҳиятига кўра стратегик жиҳатдан тўғрилигини, у мустақиллигимизнинг иқтисодий пойдеворини шакллантиришга йўналтирилганлигини яққол кўрсатди.***

***Миллий валютамизнинг шаклланиш йўллари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов қуйидагиларни сўзлаб берди:***

## МИЛЛИЙ ВАЛЮТАМИЗ — 10 ЁШДА

— Ўн йил — миллий валюта учун унчалик катта давр эмас. Бироқ ортга назар ташлар эканмиз, қабул қилинган қарорлар ва амалга оширилган вазифаларнинг, гарчи уларни амалга ошириш осон кечмаган бўлса ҳам, нақадар муҳимлиги ва тўғрилигини англаб етамиз.

Миллий валютани жорий этиш ишлари мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитларда олиб борилди ва у икки босқичда амалга оширилди: маълумки, 1993 йилнинг ноябрь ойида вақтинчалик валюта сифатида — сўм-купон жорий этилди, 1994 йил 1 июлдан бошлаб эса тўлақонли миллий валюта — сўмнинг муомалага киритилиши мустақил банк тизимини шакллантиришда муҳим босқич бўлди.

1993 йилда рубль ҳудудидан чиқиш объектив сабаблар билан боғлиқ эди. Чунки фақатгина 1992 йилнинг ўзида савдо балансининг салбий қолдиғи 18,6 мартага ошди, сўм-купон жорий этилган пайтга келиб эса 9 та республика ўз миллий валюталарини муомалага киритишга улгурган эди. Бу эса Ўзбекистон томонидан вақтинчалик валюта жорий этилаётган пайтда рубль ҳудудининг амалда барбод бўлганлигидан далолат берарди.

Дастлабки кунларданоқ мустақил иқтисодий сиёсат юритишнинг бош тамойилларидан бири иқтисодиётни босқичма-босқич ривожлантириш бўлди, пул тизимини шакллантиришга доир барча чора-тадбирлар мажмуи ана шу тамойил асосида амалга оширилди. 1993 йилнинг ноябрида вақтинчалик валютанинг жорий этилиши, аввало, унинг ички ижтимоий-иқтисодий жараёнларга кўрсатадиган таъсирини аниқлаш, республикада пул-кредит муносабатларини тартибга солиш бўйича тўлақонли механизмни яратиш зарурати билан боғлиқ эди. Охир-оқибатда бу мамлакатдаги иқтисодий вазиятни муайян даражада барқарорлаштириш ва миллий валютани муомалага киритишга пухта тайёргарлик кўриш имконини берди. Чунончи, ушбу даврда сўм-купоннинг харид қобилиятини ошириш ва ички истеъмол бозорини сифатли ва харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш чоралари кўрилди, унинг асосий жаҳон валюталарига нисбатан қийматини аниқлаш бошланди, собиқ совет республикаларидаги ҳамкорлар билан ҳисоб-китоблар тартибга солинди, валюта назорати ҳақидаги тегишли қоидалар ишлаб чиқилди.

1994 йил 1 июлдан бошлаб миллий валюта — сўмни муомалага киритиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини жорий этишга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори Ўзбекистонда самарали пул-кредит тизимини яратиш жараёнларининг мантиқий давоми бўлди. Ушбу ўта муҳим воқеанинг аҳамияти мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишнинг сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичини бошлаб берган инқилобий қадам сифатида баҳоланди.

Шундай қилиб, миллий валюта — иқтисодий мустақилликка эришишга йўналтирилган асосий воситалардан бири бўлди. Республикамиз ўз ривожланиш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда фаол инвестиция сиёсатини юритиш ва таркибий ислоҳотларни ўтказиш йўлидан борди. Қисқа муддатларда машинасозликда, кимё саноатида, газ ва нефтни қайта ишлаш соҳасида янги ишлаб чиқаришлар, шу жумладан, чет эл сармояси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди, транспорт инфраструктурасини ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилди, уларнинг айримлари нафақат республикада, балки бутун минтақада ҳали ҳанузгача мавжуд эмас эди. Қайд этиш лозимки, ушбу оқилона давлат сиёсати аввало хорижий инвесторларнинг иштироки ва миллий манфаатларимизни уйғунлаштиришга қаратилганди.

Буларнинг барчаси охир-оқибатда, иқтисодий ўсиш сифатини ошириш, иқтисодиёт таркибини ўзгартириш, шунингдек, муҳим кўрсаткичлардан бири бўлмиш — экспорт таркибини яхшилашга олиб келди. Бунинг яққол исботи сифатида мамлакатимизда автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида амалга оширилган лойиҳани келтириб ўтиш мумкин. Ҳозирги пайтда мазкур корхонада ишлаб чиқарилган автомобиллар жаҳоннинг деярли барча автогигантлари ўз маҳсулотларини сотаётган Россия бозорида ҳам ўз харидорларини топмоқда.

Айнан шундай ривожлантириш стратегияси кейинчалик макроиқтисодий барқарорлик кўрсаткичларига самарали эришишни таъминлади. Масалан, айрим мамлакатларда инфляцияни 5-10 фоизга пасайтиришга 2-3 йилда эришилади, бизда эса биргина 2003 йил мобайнида унинг даражаси 21,6 фоиздан 3,8 фоизгача пасайди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, паст даражадаги инфляцияни таъминлаш бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларга салбий таъсир қилмаган ҳолда амалга оширилди: масалан, одатда, бундай йўл тутилганида давлат қарзи ҳажми ор-

(Давоми 2-бетда).

Жойлардан хабарлар

### *Қўриқдаги қулайликлар*

"Уздунробита" уяли телефон алоқаси Қорақалпоғистонда ҳам қамров доирасини кенгайтирмоқда. Нукус, Хўжайли, Тўрткўл сингари бир қатор туманлардан сўнг элликқалъаликлар ҳам замонавий алоқанинг ушбу туридан фойдаланишга ўтдилар.

Туман маркази — Бўстонда уяли алоқа йўлга қўйилган куни яна бир қувончли воқеа юз берди. Элликқалъа телевидениеси ўз кўрсатувларини намойиш эта бошлади.

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Халқ сўзи"мухбири.**

### *Маҳаллада уй тўйлари*

Ўзбекистон билан Қирғизистонни бир-бирига боғлаб турувчи Пахтаободнинг Маданият қишлоғида ҳовлиси шинам, пишиқ ғиштли 32 та турар-жой биноси қад ростлади. Чегара ҳудудларида яшовчи аҳоли ана шу уйларга кўчиб ўтди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

### *"Мафтункор ранглар жилоси"*

Жиззахда вилоят халқ таълими бошқармаси ва Республика Болалар жамғармаси ташаббуси билан "Мафтункор ранглар жилоси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ногирон мусаввир болалар ўртасида ўтказилган ушбу танловда зафарободлик Бахтиёр Маматовга омад кулиб боқди. Иккинчи ва учинчи ўринлар жиззахлик Э. Абдураимов ва ғаллаороллик Л. Дўстмуродовга насиб этди. Ғолиблар республика босқичига йўлланма олдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Беҳзод НОРБОЕВ).

***Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Америка юристлар ассоциацияси билан ҳамкорликда суд этикасига оид халқаро семинар-тренинг ўтказди.***

## ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Конституциявий суд раиси М.Абдусаломов бошқарган анжуманда сўзга чиққанлар юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасидаги ислоҳотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётганини, соҳада кўплаб қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, замон талаблари асосида янада такомиллаштирилаётганини таъкидлади. Судларда ишларнинг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқаролар шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш борасида самарали ишлар олиб борилаётир.

Анжуманда суд этикаси, судьялар одоб-ахлоқи қоидаларига сўзсиз риоя этиш одил судловни сифатли амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири экани қайд этилди. Судьялар одоб-ахлоқи қоидаларининг энг муҳим талаби — судьялар мустақиллигидир. Бу асосий талаб эса мамлакатимиз қонунчилиги, хусусан, Конституциямиз ва "Судлар тўғрисида"ги Қонунда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Судья демократик ҳуқуқий давлатнинг мустақил суд ҳокимияти вакили сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этиши, уларни ҳурмат қилиши, шу билан бирга, фуқароларда суд ҳокимиятига нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришга кўмаклашиши, қонунларга итоат этишда уларга намуна бўлиши керак.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш зарурлигига эътибор қаратилди.

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Прокуратура органлари ўзларига юклатилган назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътиборни барча соҳада қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратмоқда.

Иқтисодиёт ва ижтимоий жабҳаларда қонун устуворлигини таъминлашда шартнома интизомини янада мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш, биржалар фаолияти ва капитал қурилиш соҳаларида, паст рентабелли ширкатларни фермер хўжаликларига айлантиришда қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тошкент шаҳар прокуратурасида солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни фош этиш, текшириш ва суриштирув ўтказишда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинарда шу ҳақда гап борди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда пойтахт ва Тошкент вилояти прокуратураларининг солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими прокурорлари, ушбу прокуратуралар ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаларининг раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда Бош прокуратура қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-терговс ходимлари малакасини ошириш маркази, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, "Ўзтадбиркорбанк" акциядорлик-тижорат банки мутахассисларининг солиқ қонунчилиги соҳасида, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишда тадбиркорларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид маърузалари тингланди.

Анжуманда ҳуқуқбузарликларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг билим ва малакасини ошириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, уларга қонунлардаги ўзгаришларни ўз вақтида етказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр ва мулоҳаза юритилди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Болалар саломатлигини кўзлаб

Бўстонлиқ тумани ҳудудида жойлашган "Қуёшли" болалар оромгоҳида Оролбўйи минтақасидан келган болалар дам олишаётир. Орол денгизи қурий бошлаши минтақадаги экологик вазиятни бирмунча мураккаблаштириб юборганлиги сир эмас. Шу боис ҳам Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган юзлаб болалар республикамизнинг сўлим гўшалари,Тошкент, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги болалар оромгоҳларида мириқиб дам олмоқдалар.

Куни кеча "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вакиллари Бўстонлиқдаги "Қуёшли" оромгоҳида бўлишиб, болаларга зарур тиббий анжомлар, дори-дармонлар топширдилар. Юздан зиёд болажонлар эса тиббий кўрикдан ўтказилди.

**М. ТОЖИЕВА.**

## САЙЛОВ КАМПАНИЯСИДА ТАШВИҚОТ ВА РЕКЛАМА

Шу йил мамлакатимизда илк бор икки палатали парламент ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига сайлов бўлиб ўтади. Бўлажак сайлов аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Қонунчилик палатаси кўппартиявийлик асосида шаклланади. Шу боис сиёсий партияларнинг тарғибот-ташвиқот ишлари алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан уюштирилган "Сайлов кампаниясида ташвиқот ва реклама" мавзуидаги семинар-тренингда шулар ҳақида фикр юритилди. Унда партия фаоллари ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП марказий кенгашининг биринчи котиби Аслиддин Рустамов йиғилганларни ушбу сиёсий тадбирнинг мақсади, сайлов кампаниясида партия томонидан олиб бориладиган ташвиқот ва реклама ишларининг умумий йўналишларига оид ишлар билан таништирди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори А.Раҳмонов ва шу институтнинг лойиҳа раҳбари, профессор Ф.Мўминов сайлов кампаниясида ташвиқот ва рекламанинг аҳамияти хусусида тўхталди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*«Ғалла – 2004*



*Пискент туманидаги Й. Охунбобоев ширкат хўжалигида бу йил 330 гектар майдонда ғалла етиштирилди. Ғаллакорлар ҳозирда 1500 тонна ҳосил етиштириш мақсадида ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.*

**СУРАТДА:** ширкат хўжалиги аъзолари Саидғани Охунов, Абдужаббор Айматов ва Абдуғаффор Айматов ҳосил чўғини чамалашмоқда.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

### Навбаҳорликлар маррада

***Навоий вилоятида навбаҳорликлар давлатга ғалла сотиш шартномавий режасини бажардилар. Дон қабул қилиш манзилларига 14320 тонна сара дон топширилди.***

***«Янгиқўрғон», «Истиқлол» ширкат хўжаликлари, «Ўнгқирғоқ» фермер хўжалигида, айниқса, юқори ҳосил етиштирилди.***

***Туманда ўрим-йиғим ишлари қизғин давом этмоқда.***

**Х. ШОПЎЛАТОВ.**

### Дўстлик довондан ошди

***Туман ғаллакорлари давлатга 31800 тонна дон сотиб, шартнома режасини Жиззах вилоятида биринчи бўлиб уддаладилар. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосилдорлик 51 центнерга тўғри келди. «Қорасув», «Элчи ота», «Юлдуз», «Пахтакор» ва «Қўнғирот-1» каби фермер хўжаликларида бу кўрсаткич 70-75 центнерни ташкил қилди. Эътиборли томони шундаки, ҳозиргача 218 та фермер хўжалигида гектаридан 60 центнердан ошириб ғалла йиғиштириб олинди.***

***Бу йил туманда ғаллачиликдан катта даромад олиш кўзда тутилмоқда. Маррадан ўзган ғаллакорлар мавсум якунида ўзлари учун ҳам баракали хирмон яратиш ишқида меҳнат қилишмоқда.***

**Ўз мухбиримиз.**

"Халқ сўзи" назоратида

## Ўзгариш бўлади



"ҚВП қурилди. Нима ўзгарди?" ("Халқ сўзи", 2004 йил 6 февраль) сарлавҳали мақолада Қашқадарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимидаги нуқсонлар, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдаги камчиликлар, қишлоқ врачлик пунктларидаги салбий ҳолатлар — физиотерапия аппаратлари ва иситиш тизимларининг ишламаслиги ҳақидаги танқидий фикрлар билдирилган эди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан келган расмий жавобда бу хусусда шундай дейилади: *"Мазкур мақола вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди. Бундай салбий ҳолатларнинг такрорланмаслиги учун чора-тадбирлар белгилаб олинди. Яккабоғ тумани марказий шифохонаси бош врачи Б.Жўраевга йўл қўйган камчиликлари учун жарима белгиланди.*

*Қамаши тумани марказий шифохонаси бош врачи А.Ғофуровнинг республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг бажарилишида йўл қўйган хато ва камчиликлари учун лавозимига лойиқ ёки лойиқ эмаслигини масаласи вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида кўрилмоқда.*

*Мақолада кўрсатилган камчиликларнинг бартараф этилишини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз назоратига олди.*

**М.ҲОЖИБЕКОВ,**
**Республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари".**

## Ҳарбий ислоҳот қандай кетмоқда?

***Қорақалпоқ шоири Бердақнинг шундай гапи бор: "Агар айтган гапинг бировга таъсир қилмаса ёки одамларга нафи тегмаса, яхшиси, бу гапни айтмай қўя қол. Айтдингми, охирига етказ..."***

***Дарҳақиқат, шундай. Бугун янгиланаётган жамиятда яшаяпмиз. Мамлакатимизда барча соҳаларнинг ривожланиши учун ҳукуматимиз томонидан имконият ва шароитлар яратиб берилмоқда. Бу қулайликлардан қай даражада фойдаланиш эса ҳар бир соҳа мутасаддилари ю ходимларига боғлиқ. Шу маънода айтадиган бўлсак, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов ташаббуси билан ҳарбий жабҳада олиб борилаётган янгиланишлар ўз самарасини бермоқда. Хизмат ёшидаги йигитлар эндиликда армия дейилса, кишини ҳар томонлама тарбиялайдиган камолот мактабини тушунишмоқда. Бунга биз Оролбўйи ҳудудидаги Шимолий-Ғарбий ҳарбий округда бўлганимизда яна бир бор амин бўлдик.***

# Олис ҳудуддаги дили яқинлар

Ҳарбий қисмга сафаримизда "Ватанпарвар" газетасининг Қорақалпоғистон Республикасидаги жамоатчи мухбири Омон оға Арзиев ҳамроҳлик қилди. У киши ҳарбий тизимдаги ислоҳотлар ҳар бир йигитда катта қизиқиш уйғотганию, қисмларда шарт-шароит яхшилигини айтар, ҳар икки гапининг бирида эса "Ҳозир борайлик, кўрасиз" деб қўшиб қўярди. Биз қисмга яқинлашганимизда сув шовқинига ўхшаш овоз эшитилди. Орқага қарасак, ҳарбий кийимдаги бир гала йигит келаётган экан.

— Булар янги келганлар, — дея изоҳ беради ҳамроҳимиз. — Ҳаммомдан келишаяпти.

Йигитлар билан бирга қисмга кириб бордик. Ушбу округ қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Шуҳрат Тўхтаевнинг айтишича, бу ерда муддатли ҳарбий, шартнома бўйича, сафарбарлик чақируви резерви хизматидаги йигитлар ўз бурчларини ўташаркан.

— Энди шароит ҳақида мен гапириб ўтирмай, — дейди Шуҳрат Тўхтаев. — Марҳамат, йигитлар билан гаплашинг, хоналарни айланинг.

Ҳарбий қисм бинолари ҳар жойда жойлашган, лекин ораси узоқ эмас. Аскарлар олдига атайин қум йўлдан борамиз. Омон оға бу ҳолатдан ўзича хижолат бўлди, шекилли: "Энди меҳмон, қумда юришнинг ҳам фойдаси бор, фақат туфлини ечиш керак-да бунинг учун" деди. Биз у кишига «Ватанимизнинг ҳимоячилари юрган йўлдан юриш биз учун гаштли», деб жавоб бердик.

Хоналарни айланамиз. Ётоқхона, ошхона, ювиниш хонаси, машқ майдони кўнгилдагидек. Уларга қараб туриб беихтиёр ҳавасинг келади. Қаршимизда бир гуруҳ йигитлар. Қарашлари мағрур, қадди-басти келишган бу ўғлонларни суриштирсак, махсус алоқа қидирув взводи хизматчилари экан. Уларга топшириқ бераётган йигитни суҳбатга тортамиз.

— Ушбу взвод командири, катта лейтенант Обид Йўлдошевман, — дея ҳарбийларга хос гапиради суҳбатдошимиз.

— Асли каттақўрғонликман, Чирчиқдаги ҳарбий билим юртини битириб, хизматга келганман. Уйланганман, бир қизим бор. Мана шу ердаги ҳарбий шаҳарчада икки хонали уйим бор...

Обиджон билан суҳбатимиз шу ерда узилди. Уни чақиришаётган экан. У «узр» деди-да, ўрнига бошқа йигитни юборди.

— Усмон Ибодовман, қашқадарёликман, — дейди янги суҳбатдошимиз. — Муддатли ҳарбий хизматни тугатиб, бу ерга келдим, шартнома бўйича хизматдаман.

— Бу ернинг шароити туғилган жойингиздан фарқ қилади. Суви шўр, ҳавоси иссиқ...

— Э, қизиқмисиз, ака, — дейди аскар. — Ахир Ватанни қўриқлаш учун юракда чегара йўқ, унинг ҳамма жойи биз учун азиз. Суви шўр дейсиз, ичиб кўринг кейин биласиз. Ҳавосига келсак, фарқ унча катта эмас.

— Уйланганмисиз?

— Ҳозирча йўқ, келаси йилга ният бор.

— Келгусида ҳарбий соҳада қолмоқчимисиз?

— Албатта!..

Биз йигитларга омад тилаб, бир ойлик йиғинга келганлар — сафарбарлик чақирув резерви хизматидаги аскарлар ёнига борамиз.

— Алишер Нориматов, Амударё туманидан чақирилганман, — дейди забардаст йигит. — Ўқишни битириб, бир ойлик хизматга келдим.

Унинг забардастлиги бежиз эмас экан. Билсак, Алишер Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтида ўқиган, кураш бўйича биринчи разрядга эга экан.

«Хизматнинг бу тури ҳақида нима дейсиз?», деган саволимизга, у:

— Ниҳоятда маъқул. Нега десангиз, масалан мен спорт билан шуғулланиб чиниққанман. Энди ҳарбий машқларни ўргансам бўлди. Бунинг учун эса менга бир ой кифоя. Бундай фойдали ғояни йўлга қўйганлари учун минглаб сафдошларим номидан Президентимизга раҳмат дейман, — деди.



Навбатдаги суҳбатдошимиз майор Исроил Тўраев. У киши қисмда тарбиявий ишларга масъул офицерлардан бири экан.

— Тан олиб айтишимиз керак, бугунги армиянинг ўн беш йил олдингисидан фарқи катта, — дейди майор Тўраев. — У пайтлари армия қадди дол бўлиб қолган эди. Ҳарбий тизимни ана шундай оғир аҳволдан чиқариб олиш учун катта салоҳият ва жасурлик керак эди. Шукрки, бу вазифа уддаланди.

— Нима деб ўйлайсиз, ушбу қисмда муаммо йўқми?

— Муаммо бор. Масалан, бизда шартнома бўйича хизмат қилаётганларга жой етишмайди. Уларнинг кўпчилиги ҳарбий шаҳарчадан ташқарида туришади. Шуларни ҳисобга олиб йигитларга уй ажратилса ёки ётоқхона қурилса, деймиз. Мен бу билан нолиганим йўқ. Барча ташвишларимиз бартараф этилаётганда бу муаммо ҳам аста-секин ҳал бўлишига ишончимиз комил.

— Бошқа жойларда аскарларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун санъаткорлар келиб туришади...

— Бизда ҳам шароит етарли, — дея гапни узади майор, — турли баҳслар уюштирамиз. Қувноқлар ва зукколар мусобақаларини ташкил этиб турамиз. Бироқ, чекка ҳудуд бўлгани учунми, бу ерга таниқли санъаткорлар кам келади. Агар машҳур кино ва театр актёрлари, қизиқчилар бу ерга келиб туришганда аскарларимиз янада хурсанд бўлишарди.

— Бугун профессионал армия ҳақида кўп гапираяпмиз. Сизнингча, бунга қачон эришамиз?

— Профессионал армияга қисман эришиб бўлдик. Ҳайрон бўлманг, бугун армиямиз сафларида илгаридек дуч келган одамни хизматга олишларга чек қўйилган. Мукаммал армиянинг биринчи шарти: оз сонли ва бақувват йигитларни саралаш. Демак, армиямизда ҳар томонлама етук йигитлар қанча кўп бўлса, ўйлаган ниятимизга ҳам тез эришамиз. Ва энг муҳими, бундай кучли армия билан юртимизнинг осойишталигини янада мустаҳкамлаймиз...

Ҳарбий қисмдан қайтишда яна бир қур йигитларга қараймиз. Дарҳақиқат, улар бугунги тинч-осуда ҳаётимизни таъминлашга улкан ҳисса қўшмоқдалар. Улар юртимизнинг турли гўшаларидан бу олис ҳудудга келишган. Аммо уларнинг дилларидаги истак муштарак: қаерда бўлса ҳам Ватанга муносиб хизмат қилиш...

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
Нукус — Тошкент.

## Элчихонада — очиқ эшиклар куни

**Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида ўзбек халқи тарихи ва маданияти, мамлакатнинг бугунги ҳаёти билан танишиш истагида бўлганлар учун навбатдаги очиқ эшиклар куни ўтказилди.**

**Мамлакатимиз элчихонасида ҳозир бўлган меҳмонлар эътиборига "Ўзбекистон мустақиллик йилларида" мавзусида фотокўргазма, халқ амалий санъати усталари, кулолчилик, ёғоч ўймакорлигини ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳамда таниқли халқ қўшиқчиси Ҳасан Ражабий ва "Ражаби" гуруҳининг концерт дастури ҳавола этилди.**

**Аслам АКБАРОВ,**
**"Жаҳон" АА.**
**Берлин.**

## Хатирчида ҳамма спортчи

**Хатирчиликлар азалдан спортни севишади. Куни кеча туманда янги спорт иншооти ишга туширилгач, спортчиларнинг машғулот ўтказадиган жойлари яна биттага кўпайди. Минг томошабинга мўлжалланган ушбу бино қурилишига "Хатирчигаз" корхонаси бош-қош бўлди. Спорт ихлосмандлари бу ерда спортнинг бир қанча турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.**

**Ш. БОЙМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи"**
**мухбири.**

## Масофавий таълим истиқболи

Тошкент Молия институти Республика Президентининг "Истеъдод" жамғармаси қошидаги Масофавий ўқитиш маркази билан ҳамкорликда институт профессор-ўқитувчилари учун йигирма кунлик семинар-тренинг ўтказди. Бундан мақсад масофавий таълим тизимини яратишда ўқитувчиларнинг фаол иштирок этишини таъминлашдир.

Ушбу семинар-тренинг доирасида "Молия иқтисод фанларини ўргатишда янги педагогик технологияларни қўллаш" мавзуида конференция ҳам бўлиб ўтди. Семинар-тренинг ва конференцияда институт ректори, академик М. Шарифхўжаев, профессор Л. Шибаршова, "Истеъдод" жамғармаси ижрочи директори А. Пардаев, Масофавий ўқитиш маркази раҳбари А. Абдуқодиров ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур тадбир институтда кадрлар тайёрлаш жараёнида янги педагогик технологиялар самарадорлигини ошириш имконини беради. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг турли грант-танловларда қатнашишини фаоллаштиради.

**С. НАСРИТДИНОВА,**
**М. ИСАҚУЛОВА.**








O'zLotto
"ЎзЛотто" лотереяси 28-тиражининг
ҲИСОБОТИ

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган сонли "O'zLotto 6\40" телевизион лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари асосида ўтказилди.

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 14 40 39 24 7 5

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 26 июнь

Ўйналган ютуқлар:

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи |
|---|---|---|---|
| 6 та тўғри топилган сон учун | 100 000 000 | 0 | 0 |
| 5 та тўғри топилган сон учун | 350 650 | 0 | 0 |
| 4 та тўғри топилган сон учун | 350 650 | 47 | 7 460 |
| 3 та тўғри топилган сон учун | 1 227 275 | 549 | 2 235 |

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 3 июль куни ўтказилади.

Кейинги тиражнинг ЖЕК-ПОТ суммаси: 100 000 000 сўм

Тўкин ҳаёт сари!

Тошкент, Ниёзбек йўли 24, тел. 136-70-69

Автомобилларни газ (суюлтирилган газ) билан тўлдириш станциялари учун ускуналарни етказиб бериш имкониятига эгамиз.

Тўшакбоп пахта сотиб оламиз.

Тел./факс: (998-71) 144-15-71, 41-20-62.
E-mail: lirafeniks@mail.ru











Тошкент кимё-технология институти жамоаси Физика кафедраси доценти Дилшод Миркомиловга укаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги
**Тўлқин МИРКОМИЛОВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси республика радиоси жамоаси Жиззах вилояти бўйича мухбири Парда Холматовга онаси
**ХУРСАНДОЙ** аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси Хорижий адабиётлар ва хорижий алоқалар бўлими кутубхоначиси Хуршида Мусақуловага опаси
**Нуржахон МУСАҚУЛОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси Химия ва экология кафедрасининг мудири Э. М. Миркомиловга акаси
**Тўлқин МИРКОМИЛОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —869. 22202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Х. Раупов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5